



# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri // Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan // www.ishonch-doverie.uz // e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

## ХХР РАИСИНИНГ ЎЗБЕКISTONГА ДАВЛАТ ТАШРИФИГА ДОИР

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримовнинг таклифи билан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 2016 йил 21 июн куни давлат таширифи билан мамлакатимизга келади.**

Олий даражадаги учрашув ва музокараларда Ўзбекистон — Хитой муносабатларининг бугунги ҳолати ва ривожланиш истиқболлари, долзарб минтақавий ва халқаро сиёсий масалалар муҳокама этилади.

Ташриф дастурида Хитой Раисининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзолари ва Қонунчилик палатаси депутатлари олдидан нутқ сўзлаши ҳам кўзда тутилган.

Ташриф якуни бўйича Ўзбекистон Республикаси ва Хитой Халқ Республикасининг қўшма баёнотини қабул қилиш, мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорликни янада мустақамлашга қаратилган битимлар ва бошқа ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги мажлисида иштирок этади.

## Ўшларга оид давлат сиёсати — амалда



ЎА сурати

## Ўзбекистон — мутахассислар мамлақати

«Энг фаол ёш мутахассис» танловининг қуйи босқичлари муваффақиятли ташкил этилаётир

Ўзбекистон касба уюшмалари Федерацияси томонидан қатор ташкилотлар ҳамкорлигида ҳар йили ташкил этилаётган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танлови ёш мутахассисларимизни қўллаб-қувватлашда муҳим аҳамият касб этапти. Жорий йилда ҳам ёш авлодни эртанги кунимизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш, турли соҳаларда фаолият юритаётган малакали мутахассисларни аниқлаш, улар салоҳиятини янада ривожлантириш, инновацион гоялар, лойиҳа ва технологияларни такомиллаштириш орқали янги иш ўринлари яратишга қўмаклашишни кўзда тутувчи мазкур танловнинг қуйи босқичлари кўтаринки кайфиятда бўлиб ўтмоқда. Жойларда танловнинг «Энг фаол ёш авиаходими», «Энг фаол ёш озик-овқат санвати ходими», «Энг фаол ёш дастурчи», «Энг фаол ёш банк ходими», «Энг фаол ёш кимёгар», «Энг фаол ёш геолог», «Энг фаол ёш шифокор», «Энг фаол ёш олим», «Энг фаол ёш спорт мураббийи», «Энг фаол ёш банк ходими», «Энг фаол ёш темирйўлчи», «Энг фаол ёш транспортчи», «Энг фаол ёш энергетик», «Энг фаол ёш металлург» ҳамда «Энг фаол ёш коччи» йўналишлари бўйича кечган қизгин баҳсларда муносиблар саралаб олинаётир.

Ҳозирда юртимизда ёшларга жуда катта эътибор қаратишмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Фанлар академиясида ёшларни ҳар томонлама етук мутахассис бўлиб камол топишга бўлган интилишини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли ёш олимларни аниқлаш, уларнинг касбий маҳорати ва билим даражасини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида кенг қўламли ишлар амалга ошириляпти.

ЎзФАНнинг илмий тадқиқот институтларида ўтказилаётган «Энг фаол ёш олим» танлови ҳам шулар жумласидан. Унда илмий тадқиқот институтлари ва у ердаги мавжуд лаборатория ва бўлимларда фаолият юритаётган ёш олимлар иштирок этди. Танловда ҳақамлар ҳайъати аъзолари томонидан низомада кўрсатилган баҳолаш мезонлари асосида энг фаол ёш олимлар аниқланди. Унга кўра, Генетика ва ўсимликлар экс-

периментал биологияси институти бўйича 1-ўринни институтнинг «Ғўза иммунитет» лабораторияси ва Зангиота илмий тажриба базаси кичик илмий ходими Марғуба Режапова эгаллади.

Геномика ва биоинформатика марказида ўтказилган танловда марказнинг мавжуд олтин лабораториясида унга яқин ёш олим иштирок этди. Уларнинг илмий фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақамлар томонидан синчковлик билан кўриб чиқилди. Натижада, Структуравий ва функционал геномика лабораторияси илмий ходими Мирзақомал Аюбов ғолиб бўлди.

Ўсимликлар ва ҳайвонот олами генофонида институтдаги лабораторияларда ишлаётган 12 нафар ёш олим ҳам узаро баҳс олиб борди. Ҳақамлар томонидан ёш олимларнинг сўнги уч йилда эришган ютуқлари ҳамда жамоат ишларидаги фаоллиги алоҳида эътибор қаратилди. «Бойсун ботаник-географик райони флораси» мавзусидаги докторлик диссертацияси устида ишлаётган институт кичик илмий ходими Орзимат Тургунов юқори натижа кўрсатди.

➤(2).

## Муносабат

Президентимиз Ислон Каримов «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори бизга ўтмиш ва бугунги кунимиз ўртасидаги қисқа, залворли, шу билан бирга, машаққатли ҳамда умидбахш оларимизни акслантириб бергучи кўзгу бўлди.

## Ифтихор

Бир гал меҳнат фахрийси Абдулла Ражабовдан «Мустақиллик бизга нима берди, сизнинг ҳаётингизда қандай ўзгаришлар ёсади?» дея сўраганимда, у шундай жавоб берганди:

— Ўтган умримга назар солсам, бошдан кечирган оғир ҳаётим, қатъчилик йиллари, уруш даҳшатлари кўз ўнгимга келади. Ейишга бир бурда нон тополмаган дамларимиз бўлган. Шўқри, шундай дориламон, бахтли кунларни кўриш насиб этди. Бугунги кўлга киритган муваффақиятларимизни ўйласам, қалбим қувончга тўлади. Мустақиллик эркимизни ўзимизга қайтарди, фаровон ва бахтга тўлиқ турмушни тўхфа этди.

Қарорни синчиклаб ўқирканман, ушбу жумлалар айнан кўнглимиздаги гапларни ифодалаб бераётгандай туюлади: «Биз бундан 25 йил олдин ўз мустақиллигимизни кўлга киритиб, аввало миллий давлатчилигимизни тиклаганимиз, жаҳондаги мустақил ва суверен давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаганимиз, ўзини оқламаган эски, мустақил тузумдан бутунлай воз кечиб, чўқур ўйланган, миллий манфаатларимизга тўла жавоб берадиган ислохотларга асосланган, бутун дунёда «Ўзбек модели» деган ном билан тан олинган тараққиёт стратегиясини амалга оширганимиз бугунги кунда биз танлаган, ўзимизга хос ва ўзимизга мос ривожланиш йўлининг наққард тўри ва ҳаётий эканини тасдиқлаб бермоқда».

Мустақилликнинг 25 йиллигини кенг нишонлаш учун катта тайёргарлик кўришмоқда. Бу биз учун улкан шараф, ифтихордир. Юртимизнинг барқарор суръатда ривожланиб бориши, кўлга киритган улкан натижаларимизни бутун дунё тан олаётгани, мамлакатимизнинг халққаро майдонда обрў-эътибори ортиб, ўзига муносиб ўринни эгаллашида, биринчи навбатда, халқимизнинг дунёқарши, одамларимизнинг сиёсий оғи ва тафаккури ўзгариб, фуқаролик фаоллиги кучайиб бораётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Шу ўринда мамлакатимиз қисқа давр ичида кўлга киритган қувонарли ютуқларга назар ташласак, Иқтисодиётимизда етакчи ўринни эгаллаб келаётган қўллаб соҳа ва тармоқлар жадал ривожланиётгани, мустақиллик йилларида иқтисодиётимиз қарийб 6 баробар, аҳоли жон бошига тўғри келадиган реал даромадлар 12 баробардан ошгани фахримизни оширади. Янги ички маҳсулот ўсиш суръати охириги 11 йил давомида жаҳондаги санокли давлатлар қаторида 8 ғойадан кам бўлмаддан келаётгани, аҳолининг ҳаёт даражаси ва сифати юксалиб бораётганини яққол кўриш мумкин. Ёш авлодни соғлом ва баркамол этиб тарбиялаш мақсадида амалга оширилаётган давлат сиёсати, хусусан, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан барча жойларда 300 га яқин мусика ва санъат мактаби, 1 минг 900 дан зиёд спорт иншооти бунёд этилгани ҳаваас қилишга аризуғулик сабабдир. Мен шундай юрт фуқароси эканимдан фахрланаман.

Шаҳноза ТАНГРИБЕРГАНОВА,  
Кўшкўпир тумани

## Касаба уюшмалари мустақиллик йилларида


# Тийрак нигоҳ, ёниқ қалб билан

Юртимизда алоқа ва ахборот технологиялари соҳаси жадал суръатларда ривожланимоқда. Мустақиллик йилларида бу йўналишда амалга оширилаётган ишлар чиндан ҳам одамни хайратга солади. Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши раиси Асрор ИШАНХОДЖАЕВ билан сўхбатимиз соҳа ходимлари ва касаба уюшмаларининг бу борада олиб бораётган фаолияти борасида кечди.

— Мустақилликка эришганимиздан сўнг юртимизда барча соҳаларда кенг қўламли ислохотлар амалга оширилди. Шу жумладан, ахборот технологиялари ва алоқа соҳасида ҳам. Келинг, сўхбатни соҳада рўй келган туб ўзгаришлар, кўлга киритилган ютуқлар таҳлилидан бошлашсак.

— Дарҳақиқат, мобил алоқа, юқори тезликда ишлайдиган интернет, рақамли телевидение каби хизмат турлари тобора оммалашиб бораётир. Ҳозирда соҳада барча аналог телефон станцияларини тўлиқ рақамли тизимга ўтказиш ишлари якунланди. Шунингдек, янги базавий мобил алоқа станцияларининг кўпайтирилгани абонентлар сони 20 миллиондан зиёд бўлишига олиб келди. Бундан ташқари, халққаро ахборот тармоқларидан фойдаланиш тезлиги сезиларли даражада ошмоқда. Натижада, 10 миллиондан зиёд юртдошимиз интернет хизматидан фойдаланиш имконига эга бўлди.

Республика аҳолисининг ахборот-коммуникация технологиялари хизматларидан фойдаланиш имкониятини янада кенгайтириш мақсадида 2013 — 2020 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг Миллий ахборот-коммуникация тизимини ривожлантириш комплекс дастурида оптик алоқа линияларини қуриш, кенг поласали оптик тармоқларни ривожлантириш, мобил алоқа тармоғини такомиллаштириш, ахборот-маълумот хизматлари марказини (Call-center) яратиш каби хизматларни кенгайтириш лойиҳалари қабул қилинди. Мазкур лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишда 8 минг километрдан зиёд оптик толали алоқа тармоқларининг



барпо этилган чекка туманлар аҳолисининг ҳам рақамли телевидение ва интернет хизматларидан фойдаланиш имконини кенгайтирди. «Ўзбектелеком» АК тузилмасида «Uzmobile» миллий алоқа оператори тармоғи яратилди. Почта шохобчаларини компьютерлаштириш натижасида, электрон пул ўтказмалари, тўловларни қабул қилиш, пенсия тўловларини амалга оширишда автоматлаштирилган назорат тизими жорий этилди.

Янги технологияларнинг жорий этилиши, барча тўловларнинг пайнет, клик, SMS тўловлар орқали ўтказилиши эса аҳоли — миждо — банк ўртасидаги алоқаларни янада мустақамлаб, ҳар икки томон учун қулайлик яратиб берди. Аҳолига даврий нашрларни етказувчи алоқа бўлимлари ва киосклар замонавий кўринишга эга бўлди. «Ўзбекистон почтаси» тизимида курер хизматининг йўлга қўйилиши

эса узоқ манзилни яқин қилишга замин яратмоқда.

Сўнги йилларда «Электрон ҳукумат» тизимининг жадаллик билан ривожланиб бораётгани ҳам эътиборга сазовор жиҳат.

Умуман, кўлга киритган ютуқларимиз талайгина. Уларнинг барчасини бирма-бир санаб ўтиш эса имконсиз.

— Ҳар бир соҳада ўзига хос универсиаллашув, такомиллашуви кўрялмиш. Касаба уюшмалари тизимида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй берди. Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши қўллаб жабҳаларда кенг қамровли фаолият юритмоқда. Фаолиятнинг таянч нуқталаридан бири эса, шубҳасиз, ижтимоий ҳамкорликдир. Бу жабҳада тармоқ тизимида олиб борилаётган ишлар борасида тўхталиб ўтсангиз.

— Албатта, соҳа ходимларининг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, маданий-маърифий, жисмоний тарбия ишларини ташкиллаштириш борасида Республика кенгаши ва унинг тизимидаги бошланғич ташкилотлар томонидан хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

➤(3).

## Бандлик

### Ургутда янги корхона

Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Ургут туман кенгаши ташаббуси билан мамлакатимиз мустақиллигининг 25 йиллиги байрами арафасида 6 та янги иш ўрни яратилди. Жумладан, туманнинг Қоратепа қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Қоратепа қишлоғида иш бошланган янги қандолатчилик цехида 4 нафар қишлоқ ёшлари меҳнат қилмоқда.

— Касаба уюшмалари томонидан тақдим этилган уч миллионлик кредит эвазига янги цех барпо этдик, — дейди тadbirkор Умида Ражабова. — Айни чоғда Қоратепа касб-ҳунар коллежи ошонаси, Ургут шаҳридаги бир қатор савдо маҳмуаларига цехимиз маҳсулотлари етказиб берилаётир.

Ходимлар малакасини ошириш, янги турдаги қандолатчилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга тайёргарлик ишлари ҳам бошлаб юборилган.

ЎА мухбиримиз

# Ўзбекистон — мутахассислар мамлакати

## «Энг фаол ёш мутахассис» танловининг куйи босқичлари муваффақиятли ташкил этилаётир



Шайхонтохур туманида фаолиятини олиб бораётган 1-Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг изланувчан ва малакали ходими Гулнора Ортиқова болажонларнинг севимли устозига айланиб улгурган.

Фидойи ва жонкуяр мураббий келажакдаги эгаларига шахмат сирларини ўргатиб келмоқда. Унинг кўл остида тарбияланган шогирдлари республикамизнинг кучли ёш шахматчиларидан саналади. Улар сафида юртимиз, Жаҳон ва Осиё чемпионлари борлиги, айниқса, диққатга сазовор.

Гулнора Ортиқова туманда ташкил этилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» кўрик-танловининг «Энг фаол спорт мураббийи» йўналишида муносиб иштирок этди.

**СУРАТДА:** Мураббий ўз шогирдлари билан.

Икром ХАСАНОВ олган сурат

лат университети, ТАТУ Қарши филиалида ҳам ўтказилди.

Танлов ғолиблари жорий йилнинг 24 июни куни ўтказилган вилоят ҳудудий босқичида иштирок этиш учун йўланмани қўлга киритди.

**Ўз мухбиримиз**

Соғлиқни сақлаш ходимлари касаб ва уюшмалари тизимидаги ташкилотларда «Энг фаол ёш шифокор» танлови уюшқоқлик билан ўтказилди. Жумладан, танловнинг биринчи босқичи 176 та туман, шаҳар тиббиёт муассасаларида ўтказилиб, тармоқ тизимида турли йўналишларда хизмат қилаётган 35 ёшгача бўлган, аҳоли саломатлигини сақлаш соҳасида меҳнат қилаётган 977 нафар ёш шифокорлар иштирок этди. Улар ўз билим ва маҳоратини намойён этиб, тиббиёт соҳасидаги янги инновацион ғояларини ҳақамлар ҳайъати эътиборига ҳавола қилишди.

Айниқса, Беруний, Кегейли, Кармана, Китоё, Хатирчи ва Тўрткўл туман тиббиёт бирлашмаларида танлов қизгин баҳс ва мунозаралар билан ўтди.

Ғолиблар вилоят босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Ўз мухбиримиз**

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари Наманган вилоят бирлашган касаб ва уюшма кўмитаси томонидан ўтказилган «Йилнинг энг фаол ёш мутахассиси» танловининг вилоят босқичида соҳада фаолият юритаётган ёшлар иштирок этди.

Тузилган ишчи гуруҳ ҳулосасига кўра, «Наманган автомобил ўқув ишлаб чиқариш комбинати» МЧЖ инструктори Улуғбек Мамадалиев «Энг фаол ёш транспортчи» номинацияси бўйича 1-ўринга лойиқ қўрилди. 2- ва 3-ўринлар мос равишда «Навбахор Норин транс сервис» шўъба корхонаси раҳбари Хуррамбек Дехқонов ва «Янгиқўрғон қурилиш монтаж» хусусий корхонаси ҳайдовчиси Алишер Махмудовга насиб этди. Улар танловнинг кейинги босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Ғолиблар тармоқ касаб ва уюшма кўмитаси ҳамда Автомобил ва дарё транспорти агентлиги вилоят ҳудудий бўлими томонидан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Феруза ЭРМАТОВА**

«Термиз» халқаро аэропортида ўтган «Энг фаол ёш авиаходим» кўрик-танловида 18 нафар ёш мутахассис ўз имкониятларини синавдан ўтказди. Эътиборли томони, бу йилги иштирокчилар сони аввалгиларга нисбатан ортган. Улар танловда пухта тайёргарлик куришганини намойён этишди.

Танловда совринли ўринларга перрон техника бригадаси авиаменеджери Файзулла Туранов, ташувларни ташкил этиш хизмати агенти Зарина Амбар-

кўра «Умумтехника фанлари» кафедраси ассистенти Н.Кўзиёв ғолиб деб топилди.

— Мазкур танлов орқали ташаббускор ва фаол ёш мутахассисларни кашф этиш, уларнинг ўз касбий йўналишларида етуқ мутахассислар бўлиб етишишга бўлган интилишларини қўллаб-қувватлаш, янги лойиҳалар, инновацион ғоя ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этишга кўмаклашиб келинмоқда. Мен ҳам ўз ғоя ва лойиҳаларим билан иштирок этаяман. Лойиҳам орқали юртимга нафим тегса, бошим осмонга етарди, — дейди Н.Кўзиёв.

Мазкур йўналишдаги тадбирлар Қарши дав-

**Марғуба РЕЖАПОВА,**  
ЎзФА Генетика ва ўсимликлар экспериментал биологияси институти  
«Ўза иммунигет» лабораторияси ва Зангиота илмий тажриба базаси кичик илмий ходими:

— «Энг фаол ёш олим» танловининг илк босқичида ғолиб бўлдим. Аслида, танловда иштирок этиш, шунга лойиқ ютуқларнинг борлигини ўзи катта бахт. Тенгдошларимнинг лойиҳаларини ўрганиш, улар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга ҳаракат қилдим. Бу каби рағбатлар илмий фаолиятимизни янада ривожлантиришга, иштиёқ билан ишлашимизга илҳомлантириши шубҳасиз.

**Файзулла ТУРАНОВ,**  
«Термиз» халқаро аэропортида перрон техника бригадаси авиаменеджери:

— Юртимизда барча соҳа қатори авиация тизимида ҳам кенг қўламли ислоҳотлар амалга оширилди. Бу биз каби ёш мутахассисларнинг самарали фаолият юритиши учун имкониятлар яратилиши ва соҳанинг янада ривожланишига замин яратмоқда. «Термиз» халқаро аэропорти касаб ва уюшма кўмитаси томонидан ташкил этилган «Энг фаол ёш авиаходим» танловида ёш ҳамкасбларим билан фаол иштирок этдим. Ғолиб бўлганимдан жуда мамнунман. Эндилқда танловнинг кейинги босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этишга ҳаракат қиламан.

**Улуғбек МАМАДАЛИЕВ,**  
«Наманган автомобил ўқув ишлаб чиқариш комбинати» МЧЖ инструктори:

— «Энг фаол ёш транспортчи» танловининг дастлабки босқичида муваффақиятли қатнашиб, кейинги босқич йўланмасига эга бўлдим. Биз, ёшларга шундай имкониятлар яратиб берилаётганидан бениҳоя хурсандман. Насиб қилса, кейинги босқичларда ҳам фаол қатнашиб, иқтидоримни намойён этишга, ғолиблар сафидан жой эгаллашга ҳаракат қиламан.

**Али Акбар ГУЛЯМОВ,**  
Бухоро шаҳридаги 12-олимпия захиралари спорт мактаб-интернати юнон-рум кураши бўйича мураббийси:  
— Танловлар ёш мутахассисларни ўз устид мунтазам ишлаб, касб сирларини чуқур ўрганиши ва танлаган соҳасининг етуқ билимдони бўлиб етишишида муҳим ўрин тутди. Жумладан, «Энг фаол ёш спорт мураббийи» танловининг ҳам спорт бўйича ёш мутахассисларин рағбатлантириш, соғлом рақобат муҳитини шакллантиришда аҳамияти беқисс. Танловда иштирок этиб, ғолиб бўлганимдан хурсандман.

**Бекзод ШЕРАЛИЕВ,**  
«Навоийазот» АЖ Азот ишлаб чиқариш 5-цеҳи бўлими бошлиғи:  
— Президентимизнинг кимё тармоғини ривожлантиришга қаратаётган доимий эътибори натижасида мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган кимёвий маҳсулотларга нафақат юртимизда, балки хорижий давлатларда ҳам талаб катта. Бундай ютуқлар қўламини янада кенгайтириш, Ватанимизнинг дунё миқёсидаги шон-шухратини юксалтиришга муносиб улуш қўлиш биз, ёшларнинг зиммасида энг муҳим вазифадир. «Энг фаол ёш кимёгар» каби танловлар эса бизни янада иштиёқ билан меҳнат қилишга ундайди.

**С.ЖУМАНОВ,**  
«Тахиташот ИЭС» АЖ қозон-турбина цеҳи машинисти билан ривожланмоқда. Бу эса юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигига хизмат қилаётган. Маълумки, энергетика тизимида ишловчилардан чуқур билим ва катта масъулият талаб этилади. Шу боис соҳа мутахассислари доимий изланишда бўлишди. Шундай экан, «Энг фаол ёш энергетик» танлови бу борада ёш ходимлар билимини синавдан ўтказиш ва рағбатлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Ушбу танловда муваффақиятли иштирок этганимдан ва кейинги босқичга йўл олганимдан мамнунман.

қулова ва чипта сотувчи кассир Наргиз Хўжамбердиевалар муносиб кўрилди.

Ғолиблар аэропорт касаб ва уюшма кўмитаси томонидан диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

**З.НАЖМИДИНОВ,**  
«Термиз» халқаро аэропорти касаб ва уюшма кўмитаси раиси

«Навоийазот» АЖда «Йилнинг энг фаол ёш кимёгари» кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Унда сўзга чиққан корхона раҳбари Нодир Жўраев ва касаб ва уюшма кўмита раиси Тўлқин Рўзимуродов Ватанимиз тақдири ва келажак учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол авлодни воғга етказиш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишларидан эканини таъкидлашди.

Қайд этиш жоиз, танловда корхона цеҳларидан ўттиздан зиёд ёш мутахассис иштирок этди.

Корхонанинг Азот ишлаб чиқариш 5-цеҳи бўлими бошлиғи Бекзод Шералиев улардан бири. У Тошкент кимё-технология институтини тугатиб, уч йилдан бун мазкур корхонада меҳнат қилмоқда. Кимё соҳасидаги замонавий илм-фан ва амалиёт сирларини чуқур эгаллаётган, хорижий тажрибаларни мукаммал ўрганаётган ёш мутахассиснинг соҳада ишлаб чиқаришни ривожлантириш билан боғлиқ эллиқка ақин тақлифи амалиётга татбиқ этилган. Бу меҳнат унвондорлиги ва маҳсулот сифатини ошириш, ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, техника хавфсизлигини кучайтиришда муҳим омил бўлмоқда. Бекзоднинг бу борадаги ютуқлари танловда алоҳида эътироф этилиб, кимё соҳасидаги йўналишда корхона босқичида «Йилнинг энг фаол ёш кимёгари» деб топилди.

Танловнинг ғолиб ва совриндорларни ташкилчилар томонидан диплом ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Баҳром ҚУВВАТОВ,**  
Кимё ва фармацевтика соҳаси ходимлари касаб ва уюшмаси Республика кенгашининг етакчи мутахассиси

Танлов, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши томонидан «Энг фаол ёш спорт мураббийи» танловининг шаҳар босқичи ўтказилди. Унда илк босқичда ғолиб бўлган 8 нафар ёш спорт мураббийи қатнашди.

Кўрик-танлов ишчи комиссияси иштирокчиларини баҳолашда уларнинг фаолиятига доир ҳужжатларини кўриб чиқиб, спорт соҳасида эришган ютуқлари, чет тилларни ўзлаштириш, меҳнат қонучилигига оид билимлардан хабардорлигига алоҳида эътибор қаратди. Натижада, Бухоро шаҳридаги 12-олимпия захиралари спорт мактаб-интернати юнон-рум кураши бўйича мураббийси Али Акбар Гулямов биринчи ўринни эгаллади.

**Д.АРАЛОВА,**  
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмаси Бухоро шаҳар кенгаши раиси

Таълим, фан ва маданият ходимлари касаб ва уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши ҳамда Гулистон шаҳар халқ таълими муассасалари фаолиятини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими билан ҳамкорликда 35 ёшгача бўлган спорт мураббийлари ўртасида «Энг фаол ёш спорт мураббийи» танловининг шаҳар босқичи ўтказилди.

Унга кўра, ҳақамлар томонидан номзодларнинг спорт соҳасидаги умумий иш стажини, чет тилларини билиши, меҳнат ҳуқуқини ўзлаштиришга қаражаси, қўлга киритган ютуқлари, ўз касби бўйича қилган янгиликларни, ишланмалари, мураббий сифатидаги фаолияти, шогирдларининг эришган ютуқлари ўрганилди.

Натижага кўра, Гулистон шаҳар Болалар-ўсмирлар спорт мактабининг «Шотокан каратэ-до» бўйича мураббийи Нодир Абдусайдов ғолиб деб топилди.

**Фарход ТАШТАНОВ,**  
тармоқ ходимлари касаб ва уюшмаси Гулистон шаҳар кенгаши раиси

Мамлакатимизда иқтидорли ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда тармоқ ва корхона тараққиётига хизмат қилувчи инновацион ғоялар, илмий-техник лойиҳалар, ихтиро ва тақлифларни илгари сураётган ёш мутахассисларни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратилапти.

Шу мақсадда «Тахиташот ИЭС» АЖ маъмурияти ва касаб ва уюшма кўмитаси ҳамкорликда «Энг фаол ёш энергетик» танловини ўтказди. Унда корхонанинг фаол ёш мутахассислари қатнашди.

Натижада кўра, совринли ўринларга Қозон-турбина цеҳи машинисти С.Жуманов, Кимё цеҳи лаборанти К.Калибаева ҳамда Иссиклик аппаратура-си ва ўлчамлари цеҳи чилангари С.Жумановлар муносиб кўрилди.

Шунингдек, «Янги Ангрен ИЭС» АЖда ҳам «Энг фаол ёш энергетик» танлови ташкил этилди. Унда корхона қозон турбина цеҳи машинисти Акмал Иманов биринчи, Кимё цеҳи аппаратчиси Мохинур Зиётова иккинчи бўлди.

**Ўз мухбиримиз**

Касаб ва уюшма ташкилоти тузилди

Касаб ва уюшмаларнинг давр билан ҳамнафаслиги, кези келганда, замондан-да илғор бўлиши фаолиятдаги пешқадамликни таъминлайди. Шу мақсадни устувор қилиб, олға интилаётган Агросано-ат мажмуи ходимлари касаб ва уюшмаси фаоллари Наманган вилоятида ҳам қатор ишларни амалга оширмоқда.

## Янгиликлар тараққиётга хизмат қилсин!

— Худудлар бўйича фермер хўжаликлари бошланғич касаб ва уюшма кўмиталарини жорий этиш юзасидан берилган тақдирлар ҳамда бу борадаги Республика кенгаши тавсияларини инобатга олиб вилоят миқёсида 141 та бошланғич касаб ва уюшма ташкилотини тузиш юзасидан тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, — деди тармоқ касаб ва уюшмаси Республика кенгашининг вилоят бўйича масъул ташкилотчиси Икромхон Шарофидинов.

Дастлаб Учқўрғон туманидаги «Янгиер» ҚФЙ худудда жойлашган «Гулхумор» ҳудудий фермер хўжаликлари бошланғич касаб ва уюшма ташкилотининг таъсис конференцияси ўтказилди. Унда худуддаги 12 та фермер хўжалиги ва 2 та МЧЖдан сайланган делегатлар, Республика кенгаши вакиллари Ш.Бегимқулова, Т.Низов, вилоят касаб ва уюшмаси ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси З.Маҳкамова ҳамда тармоқ туман кенгаши раиси Иштирок этишди.

Конференцияда делегатлар «Гулхумор» ҳудудий бошланғич ташкилотини тузиш ҳамда кўмита раисини этиб Феруза Жўраевни сайлаш тўғрисида қарор қилишди. Шу куни ҳудудий бошланғич ташкилотнинг жамоа шартномаси ҳам қабул қилинди.

Мазкур жамоада аёллар 253 нафарни ташкил этса, умумий ишловчиларнинг қарийб ярми ёшлардан иборат.

Касаб ва уюшма кўмитасига алоҳида хона ажратилиб, ишлаш учун шaroит яратиб берилди. Хонани жиҳозлаш мақсадида касаб ва уюшмаси фаолиятига дахлдор турли панно ва баннерлар тайёрланди. Худудда бир вақтинчи ўзида 300 кишининг ишлаб дам олиши учун ётоқхона қуриб битказилган. Қишлоқ марказида эса 30 кишига мўлжалланган шифохона барпо этилмоқда.

Вилоятнинг барча худудда шундай бошланғич ташкилотлар тузиш ишлари намунали тарзда ниҳоясига етказилмоқда.

**Дилдора РАҲМОНОВА,**  
«Ishonch» мухбири

## Билимлар беллашуви

# Салоҳият ва заковат майдони

Халқ таълими вазирлиги томонидан ўтказиб келинаётган билимлар беллашуви интеллектуал лойиҳаси ўғил-қизларнинг билимини мустаҳкамлаш, ўқитиш сифатини оширишда ўзига хос аҳамиятга эга. Мазкур мусобақа тўрт босқичда ўтказилиб, ўқувчиларнинг қобилияти ва иқтидорини куйи синфлардан бошлаб аниқлаш ва уларни касб-хунарга йўналтириб бориш имкониятини беради.

Пойтахтимизда интеллектуал танловнинг мамлакат босқичи бошланди.

— Бу йилги билимлар беллашуви дастлабки босқичида 5-8-синф ўқувчилари ўртасида 16 та фан бўйича ташкил этилиб, унда 2 млн. нафардан зиёд ўқувчи қатнашди, — дейди Халқ таълими вазирлиги бўлим бошлиғи Маъруф Ваҳобов. — Шунингдек, вилоят босқичида 7 мингдан ортиқ ўқувчи қатнашиб,

энг яхши натижаларни кўрсатган ўғил-қизлар танловнинг якуний босқичида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Айтиш жоизки, заковат мусобақасининг дастлабки жараёнида аниқ, табиий ва ижтимоий фанлар, кейин филология фанлари бўйича ўқувчиларнинг иқтидори синавдан ўтказилди.

Танловнинг мамлакат босқичида иштирок

этиш имкониятига эга бўлган барча ўқувчилар Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги «Кўёшли» ёзги интеллектуал оромгоҳида дам олади.

Иқтидорли ёшлар «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистони!» шиори остида ташкил этиладиган бу йилги дам олиш мавсумида ёш авлод камолоти йўлида қўрсатилаётган ғамхўрликни акс эттирувчи маърифий тадбирлар, етуқ мутахассис ва мураббийлар иштирокидаги маҳорат сабоқларидан баҳраманд бўлишди.

**Гўзал НОРЧАЕВА,**  
«Ishonch» мухбири.  
Икром ХАСАНОВ олган сурат



# Тийрақ нигоҳ, ёниқ қалб билан

Ў(1).

Хусусан, ўтган давр мобайнида белги-ланган вазифалар асосида тузилмани ташкилий жиҳатдан оптималлаштириш, касаба уюшмаси сафини кенгайтириш каби масалалар кун тартибидан ўрин эгаллади. Бошланғич, цех ва гуруҳ касаба уюшма ташкилотлари ўртасида муносабатларни мустаҳкамлаш, касбий тажрибага эга кадрлар билан таъминлаш, касаба уюшма фаоллари малакасини ошириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Жумладан, 2012 йилда Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг тавсияси асосида тармоқ касаба уюшмалари Марказий кенгашлари тузилмасидаги вилоят, туман кенгашлари, бирлашган касаба уюшма ташкилотларида оптималлаштириш ишлари бажарилди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар кесимида «Ўзбектелеком» АК ва «Ўзбекистон почтаси» АЖ филиалларида янги бошланғич касаба уюшма ташкилотлари ташкил этилди.

Иш берувчилар кўмағида барча бошланғич ташкилотлар самарали фаолият юритиши учун алоҳида хона, компьютер жамланмалари билан таъминланди ва электрон хужжат алмашиш тизими яратилди. Шунингдек, 17 нафар касаба уюшма кўмитаси раислари ойлик иш ҳақининг 50 фоизи, 3 нафарининг ойлик иш ҳақининг 100 фоизи иш берувчилар маблағлари ҳисобидан тўлиниши жамоа шартномаларида белгиланди.

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги соҳа корхоналари бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг Республика кенгаши билан тўғридан-тўғри алоқада фаолият олиб бориши йўлга қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Матбуот ва ахборот агентлиги ва унинг тизимидаги 6 та нашриёт уйи, Миллий ахборот агентлиги, Республика телевидение ва радио касб-хунар коллежи, Миллий кутубхона, Маънавият маркази бошланғич касаба уюшма ташкилотлари сафидаги 6453 нафар касаба уюшма аъзоси Республика кенгашининг хизмат доирасига олинди.

Янги ташкил қилинган корхоналар ходимларини касаба уюшмасига жалб қилиш мақсадида олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари самара бериб, Ахборот хавфсизлигини таъминлаш, Электрон хужжат тизимини ривожлантириш марказлари, Тошкент шаҳар Инха университети, 2015 йилда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги, ТАТУ хузуридаги дастурий мажмуалар яратиш маркази илмий муассасаси, «Болажон» ва «Меннинг юртим» телеканаллари, «Матбуот учкунлари» хусусий корхонаси ҳамда Андижон вилояти Андижон кабел телевидениеси МЧЖ, «Nano Lizing Kompaniyasi» да касаба уюшмаси ташкилотлари тузилди, Республика кенгаши хизматида олинди.

Жорий йилда эса қўша корхоналарда фаолият юритаётган ходимларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашга эътибор қаратилмоқда. Натижда, ўтган давр мобайнида Ўзбекистон-Ҳиндистон ҚК «Olive Telekom» МЧЖ, Жиззах вилоятида «Broad Band Solutions» Хитой қўша корхонаси, «INFONET» МЖК ҚҚда касаба уюшма кўмиталари тузилди.

Тахлилларга назар ташласак, тизим хизмат доирасида 2010 йил якунида 165 та бошланғич касаба уюшмаси ташкилоти бирлашган бўлиб, улардаги аъзолар сони 58 899 нафардан иборат эди. Бугунги кунда уларнинг сони 191 тани, аъзолар эса 65 118 нафарни ташкил этмоқда.

Бундан ташқари, сўнгги беш йилликда бошланғич ташкилотлар фаолиятини самарали йўлга қўйиш, келиб чиқарётган муаммоларни ўз вақтида бақара-ётган ишларини ижобий амалга ошириш мақсадида, Федерация Кенгашининг ўқув марказида, кўмита раиси, гафначи, меҳнат муҳофазаси бўйича вакиллар учун ташкил этилган ўқув машғулотлар ҳамда сайёр ўқув семинарларда 1214 нафардан зиёд фаол қатнашиши таъминланди.

Шунингдек, хоржий давлатлар касаба уюшмалари билан ўзаро тажриба алмашиш, ижтимоий шериклик тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар билан таништириш мақсадида Республика кенгаши масъул ходимлари Япония, Россия, Озарбайжон ва Қозғистон давлатларида хизмат сафарларида бўлишди.

Ижтимоий шерикликнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш, ижтимоий-меҳнат муносабатларини тартибга солиш самарадорлигини ошириш йўналишида Республика кенгаши ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ўртасида ҳар йили ўзаро ҳамкорлик ва ижтимоий шериклик бўйича қўша тadbирлар режаси ишлаб чиқилиб, қўша қарор асосида тасдиқланади.

Мазкур ҳамкорлик чора-тадбирлар режасига қўра, соҳа тизимидаги корхона ва ташкилотларда фаолият юритаётган ишчи-хизматчилар ва раҳбарлар ўртасида очиқ мулоқотлар ўтказилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, ходимлар муаммоларини жойида ҳал этиш, ўзаро ҳамкорликни ўрнатиш, жамоа шартномаларида қўша тутилган бандларнинг тўлиқ ижроси таъминланишига замин бўлмоқда. Энг асосийси, келиб тушаётган мурожаатлар сони камайиб бораётти.



— **Том бўлмаса, уйнинг пойдевори нураб кетади. Ёки тескариси: пойдевор мустаҳкам бўлмаса, уйнинг қулаши шубҳасиз. Аъзолар ва касаба уюшмалари ўртасидаги муносабатларни ҳам шу ҳолатга менгаш мумкин. Сизганингиздек, гап меҳнат муҳофазаси ва ижтимоий ҳимоя масалаларига бориб тақалмоқда.**

— Соҳа корхоналарида ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз меҳнат шaroит-ларига бўлган ҳуқуқларини таъминлаш ҳақида гап кетганда, бу йўналишда касаба уюшма-лари томонидан амалга оширилаётган иш-ларга алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Хусусан, меҳнат муҳофазаси ва хавфсиз-лик техникаси тadbирларининг бажарилиши-ни янада сифатли таъминлаш мақсадида ва-зирлик, агентлик, акциядорлик компания, жам-иятлар филиаллари ва таркибий бўлинма-ларида, шунингдек, корхона, ташкилот, му-ассасаларда икки томонлама битим тузил-ган. Шунингдек, ишлаб чиқилган чора-тад-бирларда меҳнатни муҳофазаси қилиш учун за-рур маблағлар ажратилган бўлиб, улардан мақсадли фойдаланиш устидан жамоатчилик назорати ўрнатилган.

Ана шу чора-тадбирлар ижросини таъмин-лаш негизда меҳнат муҳофазасига сарф-ланган маблағлар 2010 йилдаги 1,9 млрд. сўмдан 2014 йил якунига қўра 3,3 млрд. сўмга, 2015 йил якунида 4,6 млрд. сўмга етишига эришилди.

Ушбу маблағлар ходимларнинг меҳнат шaroитини яхшилаш, оммавий касб эгала-рини махсус кийим-бош билан таъминлаш, касб касалликларининг олдини олиш, бахт-сиз ҳодисалардан сугурталаш, тиббий қўриқ-дан ўтказиш, меҳнат муҳофазаси учун тар-ғибот воситалари харид қилишга йўналти-рилмоқда.

Бундан ташқари, иш берувчиларнинг эъти-борини меҳнатни муҳофазаси қилиш масала-ларини ҳал этишга қаратиш, меҳнат му-ҳофазаси тўғрисидаги қўша ҳужжатларига риоя этиб, ютуқларга эришган корхона мутасад-диларини рағбатлантириш орқали уларнинг ишларини кенг оммага етказиш мақсадида соҳа корхоналари ўртасида «Энг яхши кор-хона», «Энг яхши касаба уюшма кўмитаси», «Энг яхши меҳнат муҳофазаси вакили» каби қўриқ-танловлар ташкил этилмоқда.

— **Одам ҳаётда таянч излаб яшайди. Айниқса, бошига иш тушганда, қий-налганда. Касаба уюшмалари — аъзоларнинг қалқони, таянчи, десак муболага бўлмас. Айниқса, гап иш берувчи ва ходим муносабатлари, жамоа шартномаларидаги талаблар-нинг бажарилиши, ходимлар ҳуқуқла-рининг ишончли ҳимояси ҳақида борганда.**

— Ижтимоий мулоқот соҳада ривожланиш-нинг негизи бўлиб, илк бор Ўзбекистон Рес-публикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ўртаси-да ижтимоий-иқтисодий масалаларга оид 2011 — 2013 ва 2014 — 2016 йиллар учун Бош келишув қабул қилинди ва унинг асоси-да амалдаги Тармоқ келишувларига қўша-чалар киритилди, мазмун ва таъсирчанлик жиҳатдан янада такомиллаштирилди.

Ўтган давр мобайнида Республика кенга-ши томонидан иккитадан Тармоқ ва Тариф келишувлари, битта Ягона жамоа шартнома-си имзоланди ва улар асосида 191 та жамоа шартномаси қабул қилинишига эришилди. Шунингдек, АТ «Алоқабанк», «ЎЗИ» ҚК ва «РТУМ» ДУК корхоналари тизимида ҳам Республика кенгаши билан келишилган ҳол-да ягона жамоа шартномаси қабул қилинди.

Тармоқ, Тариф келишувлари, жамоа шарт-номаларида қўша ҳужжатларида назарда ту-тилган энг кам ва ўртача иш ҳақи, иш ҳақининг тариф қисми, устамалар, компен-

сация тарзидаги рағбатлантирувчи тўловлар-нинг турлари ҳамда уларнинг энг кам миқ-дори, йиллик қўшимча таътиллارнинг энг кам муддати каби қўрсаткичлар белгилаб қўйил-гани ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ман-фаатлари ҳимоясини янада кучайтирувчи омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Хусусан, Тармоқ келишувига киритилган янги бўлимлар негизда жамоа шартнома-ларида аёллар ва ёшлар учун қатор имтиёз-лар белгилаб олинаётти.

Мазкур бўлимлар ижросини таъминлаш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг қўша ҳужжатларида назарда тутилган қадо-латларга ҳамда Халқаро меҳнат ташкилоти-нинг Ўзбекистон Республикасида ратифика-ция қилинган конвенцияларига оғишмай риоя этиш назарда тутилди, аёллар ва ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш каби вазифаларга эъти-бор янада кучайтирилди.

Бундан ташқари, соҳа тизимидаги корх-она, ташкилот ва муассасалар раҳбарларини учун ташкил этиб келинаётган ўқувларда жа-моа шартномаларида ижтимоий-меҳнат му-носабатларини тартибга солиш, ходимлар учун муносиб меҳнат шaroитларини яратиш, маънавий муҳитни барқарорлаштириш каби масалаларга алоҳида эътибор бериш ва уларнинг бажарилишини таъминлаш юзаси-дан тегишли тавсиялар бериб келинмоқда.

Тахлилларга мурожаат қилсак, 2010 йил-да амалда бўлган жамоа шартномаларининг бандлари сони 21073 тани ташкил этган эди. Олиб борилган ҳаракатлар тўғрисида бугунги кунда жамоа шартномаларига киритилган қўшимча бандлар сони 4407 тага кўпайди.

Шу билан бирга, Ахборот технология-лари ва коммуникацияларини ривожланти-риш вазирлиги билан ҳамкорликда ижт-имоий шерикликни янада ривожлантириш борасида ҳар йил учун чора-тадбирлар белгилиниб, улар асосида соҳа корхона-ларининг фаолиятлари ўрганиб келинапти. Ўрганиш жараёнида эса корхоналарга жа-моа шартномалари бандлари бажарилиши-ни таъминлаш юзасида амалий ёрдам қўрсатиш тизими яратилди.

Юртбошимиз ташаббуси билан ҳар бир йилга ном берилиши ва унинг негизда аҳоли фаровонлигини мустаҳкамлаш, халқ-мизининг ҳаёт даражасини юксалтириш, аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш орқали турмуш даражасини ошириш каби долзарб вазифаларни ўз ичига олган дастурлар қабул қилинаётганига ҳаммаиз гувоҳимиз. Дастурларда белгилиган тadbир-ларнинг бажарилишида эса касаба уюш-маларининг иштироки алоҳида ўринга эга.

Хусусан, бу борада касаба уюшмалари-нинг асосий эътибори эҳтиёжманд, кўп бо-лали оилалар, аёллар ва ёшлар, ёлғиз қариялар манфаатларини ифодалашга қара-тилмоқда.

— **Яхши дам — меҳнатга ҳамдам, дейишади. Тузуқ ҳордиқ чиқармаган одамнинг жавлон уриб ишлашини тасаввур қилишининг ўзи мантисиз бўлиб туюлади. Касаба уюшмалари-нинг муҳим йўналишлари сирасига оммавий спорт, маданий тadbирлар, соғломлаштириш ишлари, туризм қиради. Бу борада тармоқ тизимида бажарилган, амалга оширилаётган ишлар борасида сўзлаб берсангиз.**

— Бу борада тизимдаги бошланғич каса-ба уюшма ташкилотлари томонидан му-айян ишлар амалга оширилмоқда. Жумла-дан, ходимларнинг маънавий, ҳуқуқий ма-даниятини юксалтириш, ислохотлар нати-жасида эришилган ютуқлардан фойдаланиш тўғрисидаги меҳнаткашлар онгига етказиш, «Маънавият соатлари» да мустақиллик йил-ларида мамлакатимизда ижтимоий-иқтис-одий, ҳуқуқий, маданий-маънавий соҳалар-да эришилган ютуқлар, Президентимиз Ислам Каримовнинг қатор асарлари, Дав-

лат дастурларининг мазмун-моҳияти кенг тарғиб қилинмоқда.

Соҳа ходимларининг маънавий дунёқа-рашини янада ўстириш, қадимий шаҳар-лар тарихи ва ёдгорликлари, миллий урф-одат ва анъаналар билан яқиндан таниш-тириш мақсадида Тошкент, Самарқанд, Бу-хоро, Хива, Шахрисабз шаҳарлари, Наво-ий вилояти ва юртимизнинг бошқа қад-имий қадимжоларига саёҳатлар тизимли ра-вишда уюштирилмоқда.

Мазкур тadbирларга жалб қилинганлар сони 2011 йилдаги 1188 нафардан 2016 йилнинг шу давrigа келиб 4810 нафарга ошди. Маданий-оммавий тadbирлар негиз-ида 2012 йилда 8 мингдан зиёд ходим-лар ва уларнинг оила аъзолари театр, кон-церт, музей ва бошқа маданий-маърифий тadbирларга жалб этилган бўлса, 2015 йилда уларнинг сони 17 мингдан ошди. Ходимлар, талаба-ўқувчиларнинг бўш вақтини сермазун ўтказиш, соғлом тур-муш тарзини ташкил этиш, жисмоний тар-бия ва спорт билан шуғулланиш афзаллик-ларини тарғиб қилиш борасида олиб бо-рилаётган ишлар самара бера бошлади.

Масалан, 2010 йилда фақатгина мини-футбол ва оилавий спорт тadbирлари ўтка-зилган бўлса, сўнгги йилларда ушбу тadbирлар қаторида «Аёллар спорт фести-вали», волейбол, стол тенниси бўйича мусо-бақаларнинг ўтказилиши оммавий спорт билан шуғулланаётган меҳнаткашлар сонининг 2-3 баробарга кўпайишига имкон яратди. Ўз ўрнида мусобақаларга раҳбарлар, катта ёшдаги ходимлар, ёшлар, аёллар қатори-да ходимларнинг фарзандларини ҳам жалб этишга эришилди.

Таъкидланганидек, жойларда соғлом турмуш тарзини шакллантириш орқали оилалар аъзоларининг саломатлигини мустаҳкамлашга қаратилган «Соғлом она ва бола» шiori остида ўтказиб келинаёт-ган мусобақаларнинг ҳудудий босқичлари-да 2014 йилда 1500 нафардан зиёд, 2015 йилда 3000 нафардан ортқ аёллар ва уларнинг фарзандлари иштирок этган бўлса, бу йилги баҳсларда бу қўрсаткич 5000 нафардан зиёдни ташкил этди.

Бундан ташқари, Республика кенгаши то-монидан соҳа корхоналари тасарруфидаги оромгоҳларни замон талаби даражасида мавсумга тайёрлаш, болаларни соғломлаш-тириш ва дам олдиришни самарали таш-кил этиш ишлари мувофиқлаштириб бори-лмоқда. Ўтган беш йил мобайнида ходим-ларнинг 7 ёшдан 14 ёшгача бўлган фар-зандларининг 25 мингдан зиёди соҳа та-сарруфидаги оромгоҳларда, ҳудудларда ташкил этилган мактаб қошидаги кундузги оромгоҳларда соғломлаштирилди.

Ушбу йўналишда асосий эътибор Оролбўйи ҳудудидagi соҳа ходимларининг 1700 нафар-дан зиёд фарзандини Тошкент, Жиззах ви-лоятлари оромгоҳларида имтиёзли равишда йўлланмалар билан таъминлашга қаратилди. Бу йилги ёз мавсумида ҳам ходимларнинг 5425 нафардан зиёд ўғил-қизининг дам оли-шини ташкил этиш ишлари авжида.

— **Алоқа тизимида фаолият кўрса-тувчилар орасида ёшлар кўпчилигини ташкил этади. Шундай экан, уларни қўллаб-қувватлаш, етук мутахассис бўлиб шаклланишига қўмаклашиш йўналишида олиб бориётган ишлар ҳақида ҳам тўхталиб ўтсангиз.**

— Албатта, келажакимиз бўлган ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ҳаётда ўз ўрни-ни топиши, қомил инсон бўлиб юртимизга садақат билан хизмат қилиш борасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оши-ришга қаратилган дастурий чора-тадбирлар ижросини таъминлаш ишлари кенгашининг алоҳида эътиборида.

Хусусан, соҳа олийгоҳлари ва касб-хунар коллежлари битирувчилари учун корхоналарда яратилган шaroитлар, уларга берилаётган имтиёзлар устидан

доимий назорат олиб борилмоқда.

Касаба уюшмаларининг сайланма орган-ларида ёшлар вакиллигини таъминлаш, кадрлар захирасини ёшлар билан тўлди-риш, ёшларнинг фаоллигини янада оши-риш мақсадида Кенгаш раёсатининг қаро-ри билан ташаббускор, изланувчан, интел-лектуал салоҳиятга эга бўлган бир гуруҳ ёш мутахассислардан иборат «Ёшлар кен-гаши» фаолияти йўлга қўйилди.

Шу билан бирга, касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг ишлаб чиқариш амалиётини ташкил этиш бўйича соҳа корхоналари ва ташкилотларидан ишлаб чиқариш амалиёти раҳбарини бириктириш, ўқувчиларни техника хавфсизлиги кўригидан ўтказиш, уларга хавфсиз меҳнат ҳамда амалиёт ўтказиш жо-ларини ташкил қилиш, ёшларни ўқитиш, ишга қабул қилинган ёш мутахассисларни меҳнат қилиш, муносиб иш ҳақини олишларига ало-ҳида эътибор берилмоқда.

Ёшларни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида 601 та ёш оила ва-килларига моддий ёрдам қўрсатилди. Олий ўқув юртиларида тахсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва олаётган талаба-ларнинг шартнома пуллари иш берувчилар маблағи ҳисобидан қопланишига эришил-моқда. Шунингдек, касаба уюшма маблағ-лари ҳисобидан касб-хунар коллежи тала-баларига амалиёт ўташ даврида бир мар-талиқ мадад пуллари ажратилмоқда.

Шунингдек, ёшларнинг қаром топилама етук мутахассис бўлиб қамол топишига бўлган интилишини қўллаб-қувватлашга қаратилган «Энг фаол ёш алоқачи» ва «Энг фаол ёш дастурчи» номинациялари бўй-ича танловлар ташкил этилиб, голиблар хомий ташкилотлар ва касаба уюшмалари-нинг маблағи ҳисобидан рағбатлантирил-моқда.

— **Гап йўлини тармоқ тизимида амалга оширилажак ишлар, келгуси режалар томон бурсак.**

— Келгуси режаларимиз талайгина, ол-димизда ҳали ўз ечимини кутаётган вазифа-лар кўп. Айниқса, яқинлашиб келаётган энг улуғ байрамимиз — «Ўзгал ва бетакро-римсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» деган бош гоа ости-да Ўзбекистон Республикаси давлат муста-қиллигининг йигирми беш йиллигини му-носиб кутиб олиш оstonасида турар экан-миз, албатта, олдимизга қўйган устувор ва-зифаларни бажаришда барча имкониятлар-дан оқилона фойдаланишимиз лозим.

Ташкилий масалаларда соҳа йўналиши-да фаолият юритаётган нодавлат сектор-даги корхоналар ходимларини касаба уюш-маларига жалб этиш ишларини янада жа-даллаштириш, бошланғич ва цех ташкилот-лари фаоллигига амалий ва услубий ёрдам бериш ишларини такомиллаштириш, каса-ба уюшмаси сайланма органларига иқти-дорли, ташаббускор ёшларни, айниқса, хот-тин-қизларни жалб этишни давом эттири-шимиз даркор.

Ижтимоий ҳимоя ва меҳнат муҳофазаси йўналишида Тармоқ, Тариф келишувлари ва жамоа шартномалари мазмун-моҳияти-ни ҳамда уларнинг ўртасида кенг тарғиб қили-ши ишларини янада жадаллаштириш, ходим-лар учун муносиб меҳнат шaroитини яра-тиш ва хавфсизлигини таъминлаш, жамоа шартномаларида олинган мажбуриятларни тўлиқ ва ўз вақтида бажаришга эришиш учун қўшимча хизмат турларини кенгайти-риш, даромадларни ошириш, амалдаги қўша ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар ва қўшимчаларни инобатга олган ҳолда жа-моа шартномаларида ходимлар учун, ай-ниқса, аёллар ва ёшлар, ижтимоий ҳимоя-га муҳтожларга қўшимча имтиёزلарни акс эттириш каби масалалар доимий равишда кун тартибиди.

Ҳуқуқий йўналишда эса ходимлар, айниқ-са, бошланғич ташкилотлар сайланма орган-лари аъзоларининг ҳуқуқий билимини оши-риш борасидаги ишларни янада жадаллаш-тириш, зиддиятли, низоли ҳолатларни жо-йлардаги меҳнат низолари комиссияларида қўриб чиқарш ва мазкур комиссиялар фа-олияти самарадорлигини босқичма-босқич ошириб бориш, иш берувчилар ва уларнинг вакиллари томонидан меҳнат қонунчили-ги талабларига қатъий риоя этилиши устидан бошланғич касаба уюшма ташкилотларининг жамоатчилик назоратини янада самарали ташкил этиш ҳам диққатимизда.

Соғломлаштириш йўналишида амалдаги йуриқномалар мазмун-моҳиятини меҳнаткаш-ларнинг кенг қатлами ўртасида тарғиб қилиш ва унинг асосида ходимлар ва уларнинг оила аъзоларини, ижтимоий ҳимояга муҳтож хо-димларни дам олдириш ва соғломлаштириш-га кенг жалб қилиш, бошланғич касаба уюш-ма ташкилотлари сайланма органлари то-монидан касаба уюшмаси бюджети ва ижт-имоий сугурта маблағларидан фойдаланиш жараёнида белгиланган меъёрий ҳужжатлар-га қатъий риоя этилишини таъминлаш каби масалалар эътиборимизда бўлиши шубҳасиз.

Ёшлар билан ишлаш йўналишида эса ёш мутахассисларни иш жойларида қўшимчи-лигини таъминлашда қўшимча имтиёзлар яра-тиш, ёшларнинг касбий маҳоратини ошириш-да «Устоз-шогирд» амалиётини кенг қўллаш, ёшлар ўртасида касаба уюшмаларига аъзо-лик афзалликлари тарғиб қилиш ишларини янада жадаллаштириш каби вазифалар кел-гуси иш фаолиятимизда кенг ўрин тутаяди.

# ОМОН БЎЛИНГ, МУШТАРИЙ



Замонавий ривоят

## ПОЕЗДАДА

Ўрта ёшлардаги бир эркак ўғли билан поезд вагонларидан бирига чиқиб, ўз жойларига ўрнашиб олишди. Йигит дераза ёнида ўтирди. Поезд ўрнидан кўзгалгани он у кўларини ойнаси туширилган деразадан чиқариб, ҳавода бир мундта кўтариб турди-да сўнг ички завқ, ҳаяжон билан кичкириб юборди:

— Дада, қаранг, дарахларнинг ҳаммаси ортда қилиб кетяпти.

Ота ўғлининг самимийлигидан кулимсиради. Вагонда ота-ўғилдан ташқари яна йўловчилар ҳам бор эди: эр-хотин. Улар йигитнинг ёшига ярашамаган қилиғидан, ўзини оқ-қорани энди ажратаётган болакай каби тутишдан таажубланиб, беписанд кулиб қўйишди.

Орадан бироз вақт ўтгач, йигит яна ички ҳаяжон, ҳайрат билан кичкириб юборди:

— Дада, қаранг, кўл, ана мавжланяпти. Ие, булутлар ҳам поездимиз билан баб-баравар юряпти.

Ботдан бери хатти-ҳаракати кишини ажаблантираётган йигитни талбаликда гумон қилаётган эр-хотин бир-бирига галати қараб, яна сездирмайгина кулимсиради. Айни дам улар отанинг юзидан на хижолат, на уялиш ҳисси борлигидан ажабланишди.

Шу дам ёмғир томчилай бошлади. Томчилар йигитнинг ҳавода ҳамон еллиб, силкитаётган кўларига томиб, уни завқлантирди чоғи, яна ҳайратини ошқор қилди:

— Дадажон, ёмғирнинг ёшига қаранг, кўларимизга тушяпти. Кўряпсизми, дада?

Йигитнинг бачкана қилиқларига эр-хотиннинг ортик сабр-бардоши ётмади чоғи, улардан бири (хотин) андишани йиғштириб, отага юзланди:

— Нега ўғлингизни бирор бир клиникага кўрсатишга олиб бормаяпсиз?

Шу пайтгача жим ўтирган ота жавоб берди:

— Кечирасиз, биз ҳозир клиникадан келяпмиз. Бугун қилиқлари сизга галати туюлаётган мана шу ўғлим ҳаётга қайтди. У ил бор кўришга муваффақ бўлди...

Умид АЛИ  
таржимаси

Ғаллаорол туманидаги мактаблар қошида ташкил этилган оромгоҳлар фаолияти намунали йўлга қўйилган. Айниқса, Маржонбулоқ шаҳарчасида жойлашган 73-умумтаълим мактаби қошидаги «Бинафша» оромгоҳида дам олувчиларнинг ҳар бир кун мазмунли ўтмоқда.

## Мароқли ва мазмунли

70 нафар бола ҳордиқ чиқараётган ушбу оромгоҳ Нурота тоғ тизмалари оралиғида жойлашган бўлиб, қалин дов-дарах ва арчаларга бурканган. Болажонлар бўш вақтини шундай беҳуд жойларда ўтказаятганидан беҳад мамнун.

— Бу оромгоҳда биринчи марта бўлишим, — дейди Муаттар Ҳорова.

— Ўртоқларимдан таърифни эшитиб, шу ерда дам олишни кўнглимга тугиб қўйгандим. Ташкил этилаётган турил тadbир ва кўнгилочар ўйинлар, мазмунли саёҳатлар, қизиқарли спорт мусобақаларини кўп йиллар эслаб юрсам керак.

— Болажонларнинг кайфияти

## Беғубор дамлар завқи

Бир неча йилдир қорақалпоғистонлик ҳамда сурхондарёлик мактаб ўқувчиларининг бир гуруҳи Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги сўлим оромгоҳларда ёзги таътилни мароқли ўтказишаётир. Ушбу анъана бу йил ҳам давом эттирилмоқда. Самарқанд темир йўл вокзалида шимолий ва жанубий ҳудудлардан келаётган дам олувчи болажонлар гуруҳини кутиб олишга бағишланган тadbир бўлиб ўтди.

Қорақалпоғистонлик 450 нафар, Сурхондарёдан келган 100 нафар болажонлар вилоят қасаба уюшмалари, мутасадди ташкилотлар вакиллари ҳамда жамоатчилик томонидан тантанали равишда кутиб олинди.

— Сафаримиз завқли, ҳаяжонларга бой бўлди, — дейди Қорақалпоғистон Республикаси Амударё туманидан келган ўқувчи Генжамурот Акимов. — Бизга нафақат оромгоҳда дам олиш, балки кўхна Самарқанд билан яқиндан танишиш имконияти яратиб берилганидан мамнунимиз. Дам олиш баробарида кўплаб дўстлар орттирадим, тенгдошларимиз билан билим ва иқтидоримизни синовдан ўтказамиз. Вокзал биносидидаги қизгин суҳбат, танишувдан

сўнг ҳовлида саф тортган автобуслар аввалдан режалаштирилган йўналиш бўйлаб ҳаракатланишга тушди.

— Болажонлар Ургут тоғлари қўйнидаги «Золотинка» оромгоҳига жойлаштирилди, — дейди дам олувчиларга ҳамроҳлик қилган вилоят қасаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши бўлим мудири Акбар Абдусайдов. — Кутиб олишга бағишланган асосий тантаналар оромгоҳда бўлиб ўтди. Мукамал таъмирланган, барча шарт-шароитга эга оромгоҳда кўй-қўшқилар янгради.

Дам олишнинг илк куниданок қизиқарли тadbирлар бошлаб юборилди.

Феруза ТУРДИМОВА

жуда яхши, — дея суҳбатимизга қўшилди бош етакчи Муҳаббат Назарова. — Чехрасида қувонч балкиб турган келахатимиз ворисларига бўлган бу каби юксак эътибор намунасини фақат бизнинг дидоримизда кўриш мумкин.

Кўйтош шаҳарча фуқаролар йигини ҳудудидаги 10-умумтаълим мактаби қошида ташкил этилган «Камалак» соғломлаштириш оромгоҳида ҳам 70 нафар ўғил-қиз ёзги таътил кунларини мароқли ва мазмунли ўтказишаётир. Жисмоний тарбия ва спорт йўриқчиси Умида Тоғаева етакчилигидаги тарбияланувчилар анъанавий ўйинлардан ташқари «Тортишмачоқ», «Елкада кураш», «Ким чакқон?» каби миллий ўйинлар, оромгоҳ бўйлаб тез юриш ва югуриш машқларини бажаришади.

Бош етакчи Улуғбек Аввалбоев раҳбарлигида ташкилланган тadbирлар кўпчиликка манзур бўлмоқда. «Булбулча» ва «Бойчечак» гуруҳларида кўлигул қизлар томонидан тикилган хилма-хил буюмлар эса кишини ўзига мафтун этмай қўймайди.

— Жиззах вилоятида жорий мавсумда шаҳар ташқарисидаги 14 та стационар оромгоҳда 4300 нафар, 60 та кундузги оромгоҳда 5225 нафар бола соғломлаштирилди, — дейди вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи ўринбосари Исомиддин Умаров. — Ушбу масканларда ўтказиладиган ҳар бир тadbир болалар дунёқарашини бойитиш, ихидий қобилиятини шакллантиришда ўзига хос тарбия воситаси бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Абдулла САИДОВ,  
Жиззах вилояти

## Спорт янгиликлари

ВЕЛОСПОРТ

Кейинги йилларда аҳоли орасида велоспортнинг оммавийлашган биз мураббийларни ҳурсанд қилмоқда. Бугунги ҳаваскор пойгачининг эртага профессионаллар қаторидан жой олишга интилиши қувонарли ҳолат.

## Эътибор самараси



Ўзбекистон велоспорт федерацияси Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бўлими томонидан спортнинг ушбу турини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиляпти. 2014 йили спорт мактабларида велоспорт бўлимлари ташкил этилиб, бугунги кунда 50 нафардан ортиқ ёш спортчи шу йўналишда машғулларда қатнашмоқда. Малакали мураббийларимиз уларнинг спортга бўлган қизиқшини оширишга қўлдан келганча ҳаракат қилмоқда.

Соҳанинг моддий-техник базасини яхшилаш борасида Ўзбекистон велоспорт федерацияси томонидан ўтган йили 16 дана махсус велосипед ва спорт мотоцикли олиб берилди.

Шунингдек, Нукус Олимпия заҳиралари спорт коллежида велоспортга қизиқувчилар учун алоҳида квоталанган ўринларнинг ажратилиши эътиборга сазовор.

Худудда велоспортни ривожлантириш учун яратилган қулай муҳит ва шароит ўзининг ижобий самарасини бермоқда. 2015

Пазилбек  
АРСЛАНБАЕВ  
Ўзбекистон велоспорт  
федерацияси  
Қорақалпоғистон  
Республикаси ҳудудий  
бўлими котиби

ПЕНЧАК СИЛАТ

Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Сингапурда ўтказилган Жаҳон чемпионатида муваффақиятли иштирок этди. Йигирмадан зиёд мамлакат спортчилари кураш олиб борган нуфузли мусобақада Азиз Жўрабоев бошчилигидаги вакилларимиз олтин, кумуш ҳамда бронза медалларни қўлга киритди.

## Илк иштирок, тўрт медал

Пенчак силат федерациясида ўтказилган тақдирлаш маросимида ғолиб спортчиларга сертификатлар топширилди. Жаҳон чемпионатида илк бор иштирок этишига қарамай, қизлар ўртасида Дилноза Файзуллаева барча рақибларини мағлуб этиб, олтин медал билан тақдирланди. Шунингдек, Азиз Файзуллаев кумуш, Ибодулло Матлабов, Дийрбек Ғойипов бронза медалга сазовор бўлди.

Энди ёшлар терма жамоамиз аъзолари 22-24 июнь кунлари Озарбайжонда ўтказилган Жаҳон кубоги баҳсларида иштирок этишади. Катталар терма жамоаси спортчилари эса сентябр ойида Вьетнамда бўлиб ўтадиган соҳил спорт турлари бўйича Осиё ўйинларида ортишимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Ўз мухбиримиз

Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари қасаба уюшмаси Республикаси кенгаши ва тармоқ ҳудудий бирлашган қасаба уюшма қўмиталари тармоқнинг Қашқадарё вилоят бирлашган қасаба уюшма қўмитаси раиси Боймурод Мейлиевга отаси

ЭШМУРОД отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Реклама

ВНИМАНИЮ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ!

### Навоийский региональный филиал АКБ «Узпромстройбанк» ОБЪЯВЛЯЕТ КОНКУРСНЫЙ ТОРГ

По объекту: «Капитальный ремонт административного здания Навоийского регионального филиала АКБ «Узпромстройбанк» в г.Навои Навоийской области». (Монтаж и пуско-наладка систем видеонаблюдения, охранная сигнализация и устройство пандуса у гл входа).

Стартовая стоимость заказчика составляет без НДС 252 150 525 сум, с НДС 302 580 630 сум.

Срок окончания работ, установленный заказчиком 90 дней.

Заказчик: Навоийский региональный филиал АКБ «Узпромстройбанк»

Расположенный г.Навоий ул.Меморлар 7

Финансирование проекта будет осуществляться за счет собственных средств Навоийского регионального филиала АКБ «Узпромстройбанк».

(конкурсные торги проводятся исключительно среди организаций малого бизнеса)

К конкурсному торгам допускаются исключительно подрядные организации, включенные в Реестр строительной-подрядных организаций.

Для выполнения монтажа и пусконаладки системы видеонаблюдения, охранной сигнализации требуются соответствующие разрешения.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства в размере не менее 20% от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанного

средств, производственные базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурсному объекту, гражданской правоспособностью и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественные и зарубежные строительные организации при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсные предложения с импортной поставкой работ (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, достигаются на сумму указанного налога.

Для участия в торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торга Территориальный консалтинговый центр по конкурсному торгам и ценообразованию в строительстве по Навоийской области по адресу г.Навоий, ул.Гасалия 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98. Стоимость одного комплекта документов 150 000 сум. Оферты принимаются организатором торгов по адресу: г.Навоий, ул.Гасалия - 2А, тел: 22.5.49.96, 22.5.47.98.

Крайний срок представления оферт организатору торгов ко дню и часу вскрытия оферт.

Вскрытие оферт состоится по адресу г.Навоий, ул.Меморлар 7 не менее чем через 30 дней после опубликования объявления (дату и время сообщим дополнительно).

Услуги лицензированы.

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

### «ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ ИНВЕСТ» МЧЖ ИК ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ СИРДАР ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ 2016 ЙИЛГА ҚУЙДАГИ ОБЪЕКТ БЎЙИЧА ПУДРАТ ТАНЛОВ САВДОЛАРИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ!

№ п/п	Объект номи.	Бошланғич нархи КҚС бизис (сўм)	Бошланғич нархи КҚС сиз (сўм)	Қурилиш медалати
Лог. 2-4.	Бобут тумани Дехқонобод ҚФЙ Гулистон массивидаги 7,046 км. яқин йўллар	3 240 284 292 сўм	2 700 236 910 сўм	180 кун

Қурилиш ишларини молиялаштириш: Молия вазирлиги ҳузуридаги Республика йўл жамғармаси маблаглари ҳисобидан.

Бюджетнинг манзили: Гулистон шаҳри, Шифокорлар кўчаси, 17-уй.

Телефон: (0-367) 235-01-63, факс: (0367) 235-01-64.

Талабгор сифатида қатнашаётган корхона ва ташкилотлар қуйдаги талабларга мос келиши керак: ҳисоб рақамидан танлов савдолари предмет қийматининг камида 20% миқдоридagi айланма маблаглари бўлиши, еки қўрсатиб ўтилган маблагга банк қаралтомаси бўлиши, ишлар (контрактлар)ни бажариш учун зарур бўлган меънат ресурслари ва муҳим инжиниринг мазҳудлиги, атарили касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш озақидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тахрибали ва ишончли бўлиши, ўқаш объектларда ишлаш тахрибасининг мазҳудлиги бўлиши шарт.

Марказлаштирилган капитал қўйилмалари ҳисобидан молиялаштирилган объектларда қурилиш-монтаж ишларини бажариш бўйича танлов (тендер) савдоларида фақат қурилиш-пудрат ташкилотлари реестрига киритилган ташкилотлар қўйилади.

Бошланғич қиймати 500 млн. сўмдан юқори бўлган янги қурилиш ва қайта қуриш объектлари бўйича танлов савдолари ўтказилаётганда кичик бизнес субъектларига аҳамият берилди.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари ва фирмалари иштирок этганди, уларнинг танлов тақлифлари баҳоланганда мамлакатимиз пудратчилари учун қуйдаги нарх преференциялари қўзда тутилди: танлов иштирокчиларининг тақлифларини баҳоланда харарида танлов тақлифлариди четдан ишла (контрактлар) хиритилиши қўзда тутилганда ва бунда импорт қилувчилар қўнунга мувофиқ қўшимча қиймат солиғидан озод этилган бўлса, тақлиф қўшимча қиймат солиғи суммасига қўшиб ҳисобланган ҳолда баҳоланади.

Савдода қатнашиш ва тендер ҳужжатларига эга бўлиш учун сўронома билан савдо ташкилотчиси: Гулистон шаҳри, М.Ахтамова кўчаси 30-ўйда жойлашган Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйдаги телефон бўйича мурожаат қилишлари мумкин. Тел.: (факс): (0-3672) 27-64-42. Бир ўнлаш танлов ҳужжатларининг нархи - 158 300 сўм. Тақлифлар (оферталар) танлов савдоси ташкилотчиси томонидан аккордиди маъзилда қабул қилинади.

Оферталарни танлов савдоси ташкилотчиси тақдим этишини охириги мuddати-оферталар очилиш куну ва соатигача. Танлов савдоси матбуотда эълон қил этилган кундан бошлаб 30 кундан кейин қуйдаги манзилда ўтказилади: Сирдарё вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази биноси.

Хизматлар лицензияланган.

МУАССИС:



2007-йil 11-январда  
O'zbekiston Matbuot  
va axborot agentligida  
0116-raqam bilan  
ro'yxatga olingan.

Bosh muharrir:

Jahongir

Sharofboyev

Tahrir hay'ati:

Abdulaziz Abdullayev, To'lqin

Teshaboyev, Eson Rajabov, Ulug'bek

Jalmenov, Farhod Xanariyev, Ravshan

Bedilov, Asror Ishanxodjayev,

Muhabbat O'rmonbekova,

Oksana Belousova, Timur Mamajonov,

(bosh muharrir o'rinbosari), Akmal Toshv

BO'LIMLAR:

Kasaba uyushmalari hayoti - 256-87-63

Huquq va xalqaro hayot - 256-64-69

Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport - 256-82-79

Xatlar va muxbirlar bilan ishlash - 256-85-43

Reklama va o'lonlar - 256-87-73

Manzillimiz:

100165, Toshkent shahri,

Buxoro ko'chasi, 24-uy

E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

ishonchdan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi

shart. Mualliflari fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

HUUDDLARDAGI MUXBIRLAR:

Qoraqalpog'iston

Respublikasi - (+998-91) 268-92-32

Andijon - (+998-91) 475-23-60

Buxoro - (+998-93) 653-50-81

Jizzax - (+998-91) 943-67-44

Namangan - (+998-90) 260-50-77

Navoiy - (+998-93) 313-86-87

Samarqand - (+998-97) 915-50-87

Sirdaryo - (+998-90) 610-95-55

Surxondaryo - (+998-90) 910-54-05

Farg'ona - (+998-91) 141-27-70

Xorazm - (+998-90) 719-48-00

Qashqadaryo - (+998-91) 467-30-01

Navbatchi muharrir:

U.Ibodinov

Navbatchi:

J.Ergashev

Musahhif:

S.Shodiyeva

Sahifalovchi:

H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyat-matbaa

aksiyadorlik kompaniyasi

bosmaxonasida chop etildi.

Korxonaga manzili:

Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter

markazida terildi va sahifalandi.

Gazeta oqset usulida, A-2 formatida bosildi.

Hajmi 2 bosma tabaq.

Buyurtma T - 615.

20637 nusxada bosildi.

Nashr ko'rsatkichi: 133

Boshiga topshirish vaqti - 21:40

Topshirildi - 23:00

1 2 3 4 5